*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми*

# Ўртоқ М. М. МИРҚОСИМОВ нутқи

*(Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари)*

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида авж олиб кетган жиддий мунозара ҳозирги босқичда партия комитетларининг иш услуби ва методларини яна бир бор чуқур таҳлил этиб, унинг қайта қуриш жараёнларидаги ўрни ва ролини қайта кўриб чиқишимизга даъват этмоқда. Одамлар жамиятимизни ривожлантиришнинг кўпгина муаммолари секинлик билан ҳал этилаётганлигини асосли равишда партия комитетларининг, турли даражалардаги раҳбарларнинг ишидаги камчиликлар билан боғламоқдалар.

Шуни ҳисобга олиб Тошкент область партия комитети партия ишини қайта қуриш борасида муайян чора-тадбирларни кўрмоқда. Область партия комитети аъзоларининг фаолияти кучайтирилди, тегишли доимий комиссияларнинг иши авж олдирилди. Обком аъзолари (эндиликда уларнинг составида оддий коммунистлар кўпайди) коллегиал органларнинг қарорларини тайёрлаш ва қабул қилишда, кадрларни танлаш ва юқорироқ лавозимларга кўтаришда, қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ижро этишни уюштиришда бевосита қатнашмоқдалар. Аппарат ходимларининг бажарадиган вазифалари қайта кўриб чиқилди, уларнинг қуйи партия бўғинларида бўладиган вақти анча кўпайтирилди, ёзишмалар ҳажми қарийб уч баравар қисқартирилди. Аппаратнинг барча ходимлари меҳнат коллективларида конкрет жамоат ишини олиб боришлари учун бошланғич партия ташкилотларида вақтинчалик партия учетига қўйилган. Партия комитетларининг асосий диққат-эътибори мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларини қидириб топишга қаратилган.

Эҳтимол, республиканинг партия комитетларида ҳам уларнинг меҳнат коллективлари билан алоқаларини мустаҳкамлашнинг кўпгина бошқа формалари бордир, аммо биз ҳамиша ҳам булар ҳақида хабардор қилинавермаймиз. Бизнингча, бу масалаларда Марказий Комитет аппарати, республика оммавий ахборот воситаларининг ишида камчилик борлиги равшан.

Меҳнат коллективларида бўлиш, одамлар билан суҳбатлашиш КПСС Марказий Комитетининг Пленумида гапириб ўтилган экономика ва социал соҳани ривожлантиришдаги муаммолар Тошкент области учун ҳам тўла-тўкис хос эканлигини кўрсатмоқда. Ана шу муаммоларни ҳал этиш учун партия комитетлари ва ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг мустақиллиги ҳамда ташаббускорлигини ривожлантиришга умид боғлаяпмиз. Бироқ, қуйидан кўрсатилаётган бундай ташаббус маҳкамачилик тўсиқларига тез-тез дуч келиб турибди. Масалан, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни олиб кўрайлик. «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бундан бир йил муқаддам республикада мураккаб рўзғор техникаси: икки камерали кир ювиш машиналари ҳамда рўзғор электр гидронасосларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисидаги таклифни киритган эди. Шу мақсадда у республика ҳукуматига, бизнинг область ижроия комитетимизга мурожаат қилиб, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитетига қарашли гидромеханика ва электр техника ускуналари ремонти заводининг чала қурилган ҳамда фойдаланилмаётган объектларини компенсация асосида уларга бериш мумкинлигини кўриб чиқишни сўраган эди. Аммо идоравий тўғаноқлар сабабли шу масалани йил мобайнида ҳал этишга муваффақ бўлинмади. Бунда эҳтимол бизнинг ҳам айбимиз бор, ушбу масалани ҳал этишда изчиллик ва принципиаллик кўрсатганимиз йўқ.

Афсуски, бундай фактлар бизда кам эмас. Яқинда биз халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашга бағишлаб область партия хўжалик активларининг сайёр йиғилишини ўтказдик, йиғилишда мазкур муаммони ҳал этишга доир катта программа қабул қилинди. Йиғилиш давомида ва унгача кўпгина партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари Нариманов, Тошкент шаҳарларидаги, Орджоникидзе районидаги бир қанча чала қурилган ва ташлаб қўйилган биноларда халқ учун товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ташаббуси билан чиқдилар. Аммо, бу вазифани ҳал этишда бизга яна идоравий буйруқбозлик ҳалақит қилмоқда.

Эҳтимол, шундай шароитда «туя гўшти еган» деб аталмиш барча қурилишларни, бўш ётган қувватларни ревизия қилиш ва олиб қўйиш юзасидан махсус давлат комиссияларини тузиш ҳамда кейинчалик уларни халқ учун товарлар ишлаб чиқарадиган, қайта ишлаш ва озиқ-овқат корхоналари қилиб қайта жиҳозлаш тўғрисидаги масалани марказлаштирилган тартибда кўриб чиқса арзийди. Бу апрель Пленумида айтиб ўтилганидек, хўжасизликка қарши курашнинг муҳим йўналиши бўлур эди.

Кооперативлар фаолиятини таҳлил этишга ҳам худди шундай ёндашиш лозим. Жумладан, биз Тошкент областида барча кооперативлар ва кооператорларнинг фаолиятини комиссиялар билан текширишга қарор қилдик, ишлаб чиқариш соҳасида айниқса халқ истеъмол молларини тайёрлаш соҳасида ишлаётган кооперативларнинг фаолиятини бутун чоралар билан рағбатлантирамиз. Докладда айтиб ўтилган кооперативларга ўхшаш кооперативларнинг жамият ҳисобига текинхўрлик қилиш йўлидаги уринишларига эса катта солиқ солишдан бошлаб то бундай кооперативларни ёпиб қўйишгача ғоят қатъий равишда чек қўйилади.

Биз учун бошқа яна муҳим муаммолар орасида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш энг ўткир муаммо бўлиб турибди. Область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида бу масала анча пухта кўриб чиқилди. Гарчи Рафиқ Нишонович ўз докладида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўсиб бормоқда, деб айтган бўлсада, аммо аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулоти амалда ўсаётгани йўқ. Шахсий хўжаликларнинг томорқа участкалари тўғрисида қабул қилинган қарор озиқ-овқат маҳсулотини кўпайтиришда муҳим омил бўлади, деб ўйлаймиз.

Бироқ, ўз ўзини танқид руҳида шуни эътироф этиш зарурки, партия комитетлари ҳали кадрларда янгича ёндашувлар ва усулларни ҳамма жойда қарор топтириб, агросаноат комплексининг мавжуд имкониятларидан интенсив фойдаланиш масалаларини аниқ-равшан сиёсий ва ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамлай олганлари йўқ.

Аммо, бошқа нарса тўғрисида ҳам гапирмоқчиман. Республикада ҳам, шунингдек область ва район даражасида ҳам агросаноат комплексини бошқариш структурасини тезроқ қайта кўриб чиқишни турмуш қатъий тақозо этмоқда. Ҳозир колхозларимиз, совхозларимизнинг ва агросаноат комплекси корхоналарининг республикадаги 10 дан зиёд турли идораларига иши тушмоқда, бу эса ишга ҳалақит қилиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мавжуд резервларидан тўла-тўкис фойдаланиш имконини бермайди.

Республиканинг бошқа регионлари каби бизнинг областимиз ҳам кутилмаган совуқдан қаттиқ зарар кўрди. 137 минг гектар ернинг салкам 90 минг гектарида чигит қайта экилди. Совуқ урган сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари қайтадан экилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги аҳвол ниҳоятда оғир. Ҳозир ташаббусни хўжалик ходимлари ихтиёрига бериб қўйишнинг йўл-йўриқлар ва тўғаноқлар кишани билан уларнинг ҳаракатларини бўғиб қўймасликнинг, деҳқонга эрк беришнинг айни вақтидир.

Биз область агросаноат комплексини бошқариш системасини қайта ташкил этишга доир таклифларимизни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг комиссиясига тақдим этдик ва иккинчи ярим йилликдан бошлаб шу системага ўтиш умидидамиз. Таклифимиз қўллаб-қувватланади, деб ўйлаймиз.

Тошкент шаҳрида мураккаб социал-иқтисодий вазият вужудга келмоқда. Докладда ҳам уқтириб ўтилганидек, республика пойтахтини иқтисодий ва шаҳар қурилиши жиҳатидан ривожлантириш узоқ вақт давомида хўжалик юритишнинг экстенсив усуллари таъсири остида бўлди. Ишлаб чиқариш ҳажмларини социал ва коммунал инфраструктурани мутаносиб равишда ривожлантиришдан ажралган ҳолда ошириб бориш шаҳар хўжалигини ривожлантиришда жиддий номутаносибликларнинг кучайишига олиб келди. Йил сайин шаҳарда турли муассасалар, корхоналар, базалар, омборлар тартибсиз қурилмоқдаки, уларни бошқа жойларда ҳам бемалол барпо этиш мумкин эди.

Экологик жиҳатдан зарарли корхоналарни қайта ташкил этиш, Тошкентнинг ичида жуда катта майдонни эгаллаб ётган антенналар, турмалар ва бошқа объектларни территориядан ташқарига чиқариш масалалари пайсалга солинмоқда. Ҳозирги вақтда шаҳар территориясидаги 25 минг гектар майдондан фақат 11 минг гектари уй-жойлар билан банд, бунинг устига уларнинг 70 процентидан кўпроғи кам қаватли иморатлардир. «2010 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳрини социал-иқтисодий ривожлантиришни интенсивлаш» махсус ҳукумат программасининг яқин вақт ичида қабул қилиниши вужудга келган танг аҳволдан қутулишнинг йўли бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Биз ҳозир ана шу программани ишлаб чиқишни авж олдириб юбордик ва бунга шаҳар жамоатчилигини кенг жалб этаяпмиз.

Докладда зўр ташвиш билан гапириб ўтилган яна бир муаммо — жиноятчиликнинг ўсишидир. Республикада содир бўлаётган жиноятларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи Тошкент области ва Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келаётганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ишида жиддий камчиликлар борлигидан далолат беради, албатта. Ички ишлар органлари кўпгина ходимларининг малака савияси ҳали етарли эмас. Партия ташкилотлари, совет органлари кенг жамоатчилик табақаларини социал иллатга қарши курашга отлантира олмадилар. Ҳозир биз мана шу муаммолар устида иш олиб бораяпмиз ва интизомни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисидаги доклад тезисини, ҳамма жойда ва ҳар ишда социалистик қонунчиликни таъминлашга доир чора-тадбирларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз.

Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, ички ишлар органларининг моддий техника таъминотини жиддий равишда яхшилаш масалаларини кўриб чиқиб ҳал этиш лозим бўлур эди.

Жамият олдида турган мураккаб вазифаларни ҳал этишда кўп нарса кадрларни танлашга ва уларни қайта қуришнинг энг муҳим соҳаларида жой-жойига қўйишга боғлиқдир. Кадрларнинг амалий равишда, ошкора кўрсатилган резервини тайёрлаш, уни ўқитиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, раҳбарни бир неча номзод орасидан танлаб сайлаш, уларнинг меҳнат коллективлари олдида вақт-вақти билан ҳисобот бериб туришлари область партия ташкилотининг мана шу ишини янгилашнинг асосий бўғини бўлиб қолди. Бу ишда ҳали талайгина камчиликлар ҳам бор, кўпинча бу иш етарлича мунтазамликнинг йўқлиги сабабли кампаниябозлик билан, ноизчил олиб борилмоқда. Ножўя иш қилган коммунист раҳбарларни бошланғич партия ташкилотларини четлаб ўтиб, жазолаш фактларига барҳам беришга муваффақ бўлинмади. Шу билан бирга, айрим масалаларни марказ ҳаддан ташқари регламентга солиб қўйганлиги кадрлар сиёсатини янада демократиялашга ҳали тўсқинлик қилмоқда. Шу пайтгача республика партия органларига бошқа ишлардан озод этилган ходимларнинг ставкаларини белгилаш масалаларини мустақил ҳал этиш ҳуқуқи берилмаганлиги тўғрими, ахир. Бизнингча, суҳбатлардан ўтиш ва сайлаб қўйилган партия ходимларини тасдиқлаш практикасини анча соддалаштириш талаб этилади.

Докладда тўғри қайд этиб ўтилганидек, бошланғич бўғинларнинг, қолаверса умуман республика партия ташкилотининг жанговар қобилияти кўп жиҳатдан янги кучлар келиб қўшилганлиги билан боғлиқдир. Область партия комитети КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилоти ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, партияга кирувчиларни танлаб олиш ҳамда уларни тайёрлаш масаласида шаҳар ва район партия комитетларига кўпроқ мустақиллик берди. Бу масалага мунтазам тус беришга ҳаракат қилаяпмиз. Ўтган йили номзод этиб қабул қилинган ҳар саккиз кишининг бири қолоқ ёки мураккаб участкага юборилди. Кейинги икки йил ичида ҳар икки номзоднинг бири унга тавсиянома берган коммунистлар билан бирга йиғилишда ҳисобот берди. Коммунистларни аттестациядан ўтказиш ўзини-ўзи поклашнинг самарали воситаси эканлигини кўрсатди.

Бугунги кунгача 50 минг нафардан зиёд ёки аттестациядан ўтиши лозим бўлган коммунистларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи билан суҳбат ўтказилди. Аттестация якунларига кўра 5 мингдан ортиқ коммунист партиявий жазо олди, 700 га яқин киши партиядан ўчирилди. Буларнинг ҳаммаси коммунистларнинг фаоллигини кучайтиришга муайян тарзда кўмаклашди. Шундай бўлса-да, биз КПСС Марказий Комитетининг қарори бажарилишидан қониқа олмаймиз. Биз ўзимизнинг қарорларимиз бажарилиши устидан суст назорат ўрнатганлигимиз, партия комитетларига нисбатан талабчанликни пасайтирганлигимиз, уларга етарлича методик ёрдам бермаётганлигимиз кўп жиҳатдан шунга олиб келди.

Жойларда партия ташкилотларига ёрдам бериш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия сафларини шакллантириш муаммоларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишга илмий кучларни ҳам жалб этиши мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, партия аъзосининг социал мавқеи категориясини белгилаш системаси ҳам аниқланиши зарур, бу эса шу хусусда жойлардан берилаётган кўпгина саволларга чек қўйган бўлур эди.

Давр биздан қатъий, одатдан ташқари ҳатти-ҳаракатлар, дадил ёндашувларни талаб этмоқда. Бугунги пленумнинг қарори ҳам шундай бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Бу қарорда партиявий ишнинг шакл ва усулларини янгилашга қаратилган аниқ-равшан бандлар кўпроқ бўлишини истардик. Бу эса партия комитетлари ва ташкилотларининг ушбу пленум қарорларини бажара бориб, қайта қуришни амалий ишлар билан мустаҳкамлашларига ёрдам беради.

## ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИДА

Область партия комитети идеология комиссиясининг навбатдаги мажлиси Янгийўл шаҳарида бўлиб ўтди. Унда идеология ишлари самарадорлигини оширишда Янгийўл шаҳар партия комитетининг роли тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Комиссия аъзолари мажлисдан олдин шаҳар ва район саноат корхоналари, хўжаликлари, ташкилот ва муассасаларида бўлиб олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларнинг аҳволи, социал ва турмуш маданияти масалалари қай тарзда ҳал этилаётганлиги билан танишдилар.

Кун тартибига қўйилган масалани ўрганиш чоғида шу нарса маълум бўлдики, меҳнаткашлар орасида олиб борилаётган ишларда ҳали аниқ система йўқ. Ўтказилаётган тадбирлар инсон омилини активлаштиришга етарлича таъсир қилмаяпти. Интизомни мустаҳкамлаш, уюшқоқликни кучайтириш, коллективларда аҳлоқий-руҳий иқлимни соғломлаштириш, иш ва турмуш маданиятини оширишда ҳали кўп иш қилиш керак.

Шаҳар ва район идеология активи аҳолининг ёши, социал ҳолати, миллий составига қараб ғоявий-сиёсий ишларни ташкил этишга ҳамиша ҳам эътибор билан қарамаяпти. Тошкент шаҳри ижодий ташкилотлари ва коллективлари билан алоқани ривожлантириш имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти. Шаҳар ва районда халқ ижодиёти, фольклор, урф-одатларни сақлаш ҳамда тарғиб этиш юзасидан ишлар ривож топмаяпти. Маданият муассасалари тарбиявий ишлар марказига айланганича йўқ.

Комиссия Янгийўл шаҳар партия комитетининг идеология ишлари самарадорлигини оширишдаги роли тўғрисидаги масалани область партия комитети бюросида кўриб чиқиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлаб муҳокама этди. Комиссия Бекободда шаҳар куни ўтказилганлигини маъқуллади, бу ташаббусни барча шаҳар ва районларга кенг ёйишни тавсия этди. Шаҳар ва район кунлари ватанпарварлик ва интернационал тарбияни яхшилашга, тарихимизни тарғиб этишга, халқ анъаналарини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ҳисса қўшади деган умид билдирилди.

Комиссия мажлисини область партия комитетининг секретари Э. И. Фозилов олиб борди.

*• СССР халқ депутатлари съезди арафасидаги ўйлар •*

# ХАЛҚ СЪЕЗДДАН НИМАЛАРНИ КУТАЯПТИ?

**Мана, 25 майга ҳам саноқли кунлар қолди. Шу куни янги сайланган СССР халқ депутатларининг Съезди ўз ишини бошлайди. Аммо бу катта йиғиннинг кун тартиби, асосан қайси мавзуларда мунозаралар юритилиши, неча кун давом этиши хусусида ҳали ҳеч ким аниқ, тўла тасаввурга эга эмас.**

**Хўш, кўпдан бери биринчи марта бўлаётган Съезднинг кун тартибига қандай масалалар киритилгани маъқул! Қандай қонун ва қарорлар қабул қилиниши керак!**

**Редакция уюштирган давра суҳбатида қатнашган СССР халқ депутатлари ана шу масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Суҳбатда депутатлар: Ангрендаги «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Ином Искандаров, Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи Фикрет Сефершаев, Бўстонлиқ районидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси Турсуной Қозоқова иштирок этдилар. Суҳбатни область Совети ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими мудири Даврон Маҳмудов билан «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири Абдусамад Йўлдошевлар бошқаришди.**



Д. МАҲМУДОВ

А. ЙЎЛДОШЕВ: давра суҳбатимизнинг ҳамма иштирокчилари учун бу биринчи Съезд. Лекин шунга қарамай, Съезд тўғрисида ҳеч бўлмаса умумий тасаввурга эга бўлишимиз керак...

И. ИСКАНДАРОВ: гапни индаллосидан бошлайдиган бўлсак, ўзи бу Съезд апрелнинг охирларида бўлиши керак эди. Сайлов чўзилгани учунми, ёки кун тартиби масаласи сабаблими, ҳар ҳолда 25 майга кўчирилди. Кўпчилигимиз қатор съезд ва пленумларнинг, сессияларнинг гувоҳи бўлганмиз. Уларнинг кун тартиби аввалдан маълум бўларди. Аммо бу сафар Кремлга йўл олар эканмиз, аниқ тасаввуримиз йўқ.

А. ЙЎЛДОШЕВ: депутат бўлганингизга мана орадан қарийб икки ой ўтди. Шу даврда тегишли органларга учрашиб, бўлажак Съезд хусусида бироз бўлса-да, консультация олишнинг иложи бўлмадими?

Т. ҚОЗОҚОВА: бир марта область ижроия комитетига тўплаб тушунтириш суҳбати уюштиришди, Съезд ишида ҳал этиладиган муҳим тадбирлардан баъзиларини билиб олдик. Жумладан, Съездда Олий Совет, унинг раиси ва ўринбосари сайланади. Олий Советга берилган кенг ваколат амал қилиши учун турли соҳалар бўйича 8 та комиссия, Олий Советнинг доимий ишлайдиган бўлиши учун 9 та комитет тузилади. Бундан ташқари Олий Совет составида СССР Конституцион назорат комитети тузилиши ҳуқуқий давлатни барпо этиш ғоясининг амалга ошиши бўлади.

Ф. СЕФЕРШАЕВ: булар-ку, энди бизга маълум. Аммо Съездда айнан қайси муаммолар, долзарб вазифалар ҳақида гапириш мумкинлиги шахсан менга қоронғу бўлиб турибди. Чунки, тўпланиб қолган муаммолар жуда кўп.

И. ИСКАНДАРОВ: муаммолар, зарур вазифалар ҳақида тўрт-беш йилдан бери тўхтовсиз гапиряпмиз, лекин натижа қани? Ҳозирча айтишга арзийдиган ҳеч нарсага эришганимиз йўқ. Энди бу муаммоларни Съездга ҳам кўтариб чиқсак, яна қуруқ гап кўпайиб кетмайдими? Ахир съездда 2250 депутат қатнашади-ку.

А. ЙЎЛДОШЕВ: аммо шу нарса ҳам аниқ-равшанки, ҳар бир депутатнинг Съезд ишига қўшадиган ҳиссаси бўлиши шарт. Акс ҳолда унинг депутатлиги қаёқда қолади, Съездда иштирокидан нима маъно, нима наф?

Д. МАҲМУДОВ: бундай аҳволда Съезднинг иши бир неча ҳафтага чўзилиб кетиши ҳеч гап эмас. Ўйлайманки, депутатларнинг фикрини умумлаштиришнинг демократик йўли топилар.

Мен яна Съезднинг кун тартиби масаласига қайтиб, шахсий фикримни айтмоқчиман. Ҳали Турсуной таъкидлаганларидек, кун тартибидаги баъзи масалалар Конституцияда ҳам белгилаб қўйилган. Қолган муҳим масалалар эса менимча Съезднинг дастлабки иш кунлари давомида ойдинлаштириб борилиши керакка ўхшайди.

Т. ҚОЗОҚОВА: Олий Советга жами (ҳам Иттифоқ Совети, ҳам Миллатлар Советига 271 тадан) 542 депутат сайланар экан. Шунга кўра тахмин қилиш мумкинки, бизнинг республикамиздан сайланган 108 депутатдан 28 ёки 29 нафари Олий Совет составида бўлади.



И. ИСКАНДАРОВ.

Шундай экан, уларни кимлар ва қандай йўл билан тавсия қилади? Ахир уларни бошқа региондагилар танишмайди-ку. Демак, кимларни тавсия қилишни аввал ўзимиз белгилаб олиб, сўнгра Съездга тавсия қилганимиз маъқул кўринади. Умуман, Олий Совет составига кирадиган 542 депутат шу йўл билан сайланса тўғри бўларди, деб ўйлайман.

Ф. СЕФЕРШАЕВ: Фақат бугина эмас. Биз ўзимизнинг регионга, тўғрироғи, республикага оид муаммоларни бир бошдан кўриб чиқиб, энг зарурларини танлаб, конкретлаштириб Съезд минбаридан баён этишимиз керак.

Д. МАҲМУДОВ: ҳар ҳолда бутун халқ Съездга катта умид боғлаяпти. Чунки, унинг шу пайтгача кутганлари ҳадеганда рўёбга чиқмаяпти. Турғунлик касофатидан халос бўлиб, қайта қуриш шабадаси эса бошлаганда халқ ўзини қийнаб юборган муаммолар, етишмовчиликлар ечимини партия XXVII съездидан кутди. Лекин съезддан сўнг орадан йиллар ўтиб аҳвол ўзгармади, кутгани бўлмади. Бу орада XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси чақириладиган бўлди. Бу анжуманнинг чуқур демократия ва ошкоралик принциплари асосида ўтиши, кўп зарур гаплар рўй-рост айтилиши, амалий ўзгаришлар бўлиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар бутун мамлакатга тарқалди. Шунга кўра халқ конференциядан ҳам кўп нарса кутди. Лекин орадан, мана яна бир йилча вақт ўтиб кетди-ю халқ кутганига етишолмади.

Ниҳоят СССР халқ депутатларининг Съездига навбат келди. Шуни унутмаслик керакки, Съездда қатнашадиган депутатлар — халқ депутатлари, уларни бевосита халқнинг ўзи сайлади. Сайлаганда ҳам аввалгидек лоқайдлик, бефарқлик билан эмас, балки талашиб-тортишиб, талабчанлик билан сайлади. Энди депутатларнинг шу ишончни оқлашларига умид боғлаб турибди.

И. ИСКАНДАРОВ: мен Даврон Мўйдиновичнинг шу фикрларини юз фоиз қўллаб-қувватлайман. Агар бизнинг Съездимиз ҳам «баланд руҳ» билан ўтса-ю, тез орада халқнинг турмушида тайинли ўзгаришлар бўлмаса, унинг ўзи сайлаган депутатидан ҳам ҳафсаласи совийди.

Ф. СЕФЕРШАЕВ: ҳафсаласи совийдигина эмас, балки депутатларга мутлақо ишонмай қўяди, учрашувларга келмайди ҳам.

И. ИСКАНДАРОВ: ҳокимиятни бошқаришни Советларнинг ўзига бериб қўйиш керак, шунда Ленин васиятини ўрнига қўйган бўламиз, деб мана беш йилдан бери гапиряпмиз. Бироқ тош-метинга айланиб кетган бюрократик аппарат ҳамма ишни чиппакка чиқариб ётибди...

Ф. СЕФЕРШАЕВ: шошманг, Ином Назарович, шу бюрократия деган касофатни йўқ қила олишнинг иложи борми ўзи? Гапираверишдан жонга тегди-ку?!

Т. ҚОЗОҚОВА: биринчи бўлиб бу ишга биз, депутатлар киришишимиз керакка ўхшайди. Бунинг учун, назаримда, Съездда кўтариладиган энг асосий масалалардан бири ҳокимиятни Советларнинг ўзига қайтариб бериш масаласи бўлиши керак. Бу гап айнан халқ депутатлари Съездида айтилмаса, қаерда айтилади ахир!

И. ИСКАНДАРОВ: шундай деймизу, аммо бирон иш чиқишига ишонгинг келмайди. Масалан, мен ўз программамни умумлаштириб, сайловчиларнинг талаб ва истакларини ҳам қўшиб, тегишли ташкилотларга аллақачон йўллаганман. Менимча, бир мен эмас, ҳамма депутатлар шундай қилишган бўлишса керак...

Д. МАҲМУДОВ: шундай.

И. ИСКАНДАРОВ: лекин афсуски, шу пайтгача на «ҳа» на «йўқ» деган жавоб бор.

Д. МАҲМУДОВ: бу программалар Марказий сайлов комиссияси ва республика Олий Совети Президиумида аллақачон кўриб чиқилиб, қайта ишланиб, тартибга солиниб, нафақат депутатларга, балки сайловчиларга ҳам етказилиши керак эди. Афсуски, шундай қилинмади. Ҳеч бўлмаса бўлажак Съездни ҳисобга олиб шундай қилиш зарур эди. Ўшанда депутатларимиз ўз Съездларига анча тайёр ҳолда борган бўлардилар.

И. ИСКАНДАРОВ: мана, ҳозир бўлажак Съезднинг ишлари хусусида суҳбатлашяпмиз-у, янги-янги фикрлар туғиляпти. Чунончи, Съезднинг ўзида ёки кейинчалик Олий Советнинг тегишли комиссияси тавсияси билан СССР халқ депутати статусига баъзи бир ўзгартишлар киритиш керак эмасмикин? Масалан, мен ҳозирнинг ўзидаёқ 10—15 сайловчини қабул қилаяпман. Уларнинг кўпчилиги кўзида ёшсиз арз қилмайди. Тасаввур қилинг, ўз хонамдаман, яъни корхонанинг иши билан бандман, шундай бўлиши ҳам керак, ахир ойлик маошни шу ишим учун олаяпманда. Шундай бўлса-да, арз билан келган сайловчининг кўкрагидан итармаслигим керак, у менга бунинг учун овоз бермаган.

Майли, буёғини қўятурайлик. У менинг хонамга кириб келишдан аввал ҳамма тегишли идораларнинг остоналаридан ўтавериб тоқати тоқ бўлган, аммо муроди ҳосил бўлмаган. Қизиқ, қачонгача шундай бўлади? Маҳаллий Совет ва хўжалик органлари ўзларининг бурчларини бажариб, нонларини ҳалоллаб ейишни қачон одат қилишаркин? Ахир шикоятларнинг аксарият кўпи кўчаларнинг ўйдим-чуқурлиги, ахлатлар тўпланиб қолганлиги ва шу каби майда-чуйдалар ҳақида-ку! СССР халқ депутати шуғулланиши керак бўлган йирик, долзарб муаммолар қалашиб ётибди-ку.

Ф. СЕФЕРШАЕВ: тўғри айтасиз. Сайловчилар мени ҳамма ерда излаб юришади. Уйда ҳам, ишнинг тепасида ҳам, дала шийпонида ҳам гаплашиб кетаверамиз. Лекин аслида тартиб бўлгани яхши. Чунки менга бешта район сайловчилари овоз беришган. Тошкент районидан келган сайловчи мени тополса яхши, тополмаса овора бўлади, куни бекор кетади...

Д. МАҲМУДОВ: бу фикрлар ўринли. Мен буларни умумлаштириб, шундай хулосага келиш тўғри бўлади, деб ўйлайман: СССР халқ депутатининг ёзма мурожаати ҳамма маҳаллий Совет органларида биринчи навбатда кўриб чиқилиши ва белгиланган муддатдан кечиктирмай жавоб қайтариладиган тартиб жорий қилиниши керак. Иккинчидан, депутатларнинг ўз регионлари бўйича навбат билан қабул қиладиган хоналари бўлиши куни, соати белгилаб, муқимлаштириб, ҳаммага маълум қилиб қўйилиши керак. Шунда сайловчига ҳам, депутатга ҳам қулай бўлади. Бу ишни тезроқ қилиш керак экан.



Ф. СЕФЕРШАЕВ.

И. ИСКАНДАРОВ: мен бу ҳақда ўйлаб кўрдим, ҳатто хомаки ҳисоб-китоб қилиб, ўзимча график ҳам тузиб чиқдим. Регионларда навбати билан шанба ва якшанба кунлари сайловчиларни қабул қилиб туришимиз керак.

Д. МАҲМУДОВ: шу шарт биланки, маҳаллий Совет органлари СССР халқ депутатларига асосан қандай кўламдаги масалалар билан мурожаат қилиш кераклиги тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориб, уларда кўникма ҳосил қилишлари керак.

А. ЙЎЛДОШЕВ: шундай қилиб, биз СССР халқ депутатлари Съездининг ишлаш ва кун тартиби хусусида ўзимиз тушунганимизча суҳбатлашдик, фикрларимизни ўртоқлашдик. Лекин бир қатор муҳим масалаларга муносабат билдира олмадик, улар очиқ қолди.

Биринчидан, республикаларнинг министрлари, Министрлар Советларининг раислари, область партия комитетларининг биринчи секретарлари Съездда Олий Советга сайлансалар буёғи нима бўлади? Доимий ишлайдиган Олий Совет составида бўлиш учун мансаб лавозимларидан бўшашлари керак бўлмайдими?

Умуман, Олий Советга кимлар сайланади, уларни ким ва қандай принцип асосида сайлайди? Бу савол ҳам мураккаб, унга бирёқлама жавоб бериш хатолардан ҳоли бўлмаслиги мумкин.

Иккинчидан, Конституция бўйича Съезд СССР давлат ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Демак, Олий Совет энди олий органликни Съездга бўшатиб беради. Бироқ у ҳам Конституция бўйича СССР Қонунлари ва қарорларини қабул қилиш ваколатига эга. Бу ваколат съездга ҳам берилади. Бу ерда зид ҳолат борга ўхшайди. Айтайлик халқ ва давлат тақдири билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда қайси органнинг қарори ҳисобга ўтиши керак?

Учинчидан, Съезд ишининг тўла ошкоралигини таъминлаш талаб этилади. Чунки сайловларда манфаатдорлик билан иштирок этган халқ Съезддаги ўз вакиллари ишини назорат қилиб боришни истайди, албатта. Лекин Съезднинг неча кун давом этиши номаълум, ҳаддан ташқари чўзилиб кетиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Бир неча кун, ҳатто ҳафта давомида трансляция қилишнинг имкониятларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Ниҳоят, тўртинчидан, Съезд тугаб, Олий Советнинг комиссия ва комитетлари тузилгач, улар томонидан кўриб чиқилган масалаларнинг амалий ечими тўғрисидаги хулосалар вақтида ҳал этиладими ёки шу пайтгача бўлиб келганидек, бюрократик аппаратлар оралиғида рўёбга чиқмай қолиб кетаверадими?

Бу саволларга ҳадемай жавоб олинади.



Т. ҚОЗОҚОВА.

